

Эркинлаштириш — хаётий зарурат



КОМБИНАТ КЕНГАЙМОҚДА

«Бағдод дон махсулотлари» акционерлик жамияти меҳнат аҳли ўтган йилни 88 миллион 623 минг сўм соф фойда билан аянаган эди. Улар жорий йилда бу курсаткини янада оширишни мўлжаллашмоқда. Шу мақсадда комбинатда бир кеча-кундузда 50 тонна омикта ем ишлаб чиқариш қувватига эга янги цех қурилмоқда. У ишга туширилгач, туманда чорвачиликни янада ривожлантириш имконияти яратилади.

— Айни кунларда янги цех қурилишида ишлар жадал олиб борилапти. — дейди акционерлик жамияти бошқаруви раиси Тўхтасин ТОПИЕВ. — Пудратчи ташкилот — Қуён қурилиш бошқармаси бунёдкорлари уни мuddатидан илгари қуриб, фойдаланишга топширишга аҳд қилишган. Бу юмудда комбинатимизнинг қурувчилар бригадаси аъзолари ҳам фаол қатнашмоқдалар.



Журобой БОЛТАЕВ, уруш ва меҳнат фахрийси.

ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

ШАРТНОМА ШАРТИ ЎЗГАРАДИМИ?

— Жамоа ҳўжалигида ишлайман, йил бошланшида ҳўжалик билан меҳнат шартномасини тўзганман. Лекин айни пайтда шартнома ўзгарганлиги тўғрисида ўнда кўрсатилган шартларни ўзгартиришимга тўғри келиб қолди. Бу борада менинг ҳўқуқим қандай? Ш. БОЙМАТОВ, Чироқчи тумани.

— Меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган ҳўларда, ҳодим иш беришдан меҳнат шартларини ўзгартиришни талаб қилишга ҳўқлиқдир.

— Жойларда ер участкалари бериш масалаларини кўриб чиқиш комиссиялари фаолият кўрсатиб турибди. Унинг таркибига қимлар жалб қилинади? Б. ХУББИМОВ, Зафаробод тумани.

— Ер участкаларига эғалик қилиш, фойдаланиш ва ижарада бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳузурда ҳокимлар бошлиқлигида доимий ишлайдиган комиссиялар тўзилган. Улар таркибига эса давлат кадастри ва ер тўзиш хизмати, табиати муҳофазат қилиш, архитектура, санитария-эпидемиология хизмати органлари ҳамда фуқаролар йиғинларининг вакиллари ва бошқа шахслар киритилади.

— У ёқ-бу ёққа баъзида ёрдам сўраб ҳўзишимизга тўғри келади. Аммо айрим ҳўларда баъзи мансабдорлар бунга бегисанд қарайдилар. Айтинг-чи, қонунларимизда бундайларга нисбатан жазо чоралари белгиланганми? Ш. ЎНАРОВ, Арнасой тумани.

— Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 43-моддасига асосан, фуқароларнинг муросатларини кўриб чиқишни гайриҳўқуқий тарзда рад этиш, уни кўриб чиқиш мuddатларини узрли сабабсиз бузиш, асоссиз, қонунга зид қарор қабул қилиш, шунингдек, фуқаронинг бузилган ҳўқуқларини тиклаш ва шикоят муносабати билан қабул қилинган қарорини реал бажаришни таъминлашга йўл қўйган мансабдорлар — энг кам иш ҳўқининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жаримага тортилади.

— Шахсий автомашинани бор. Агарда ундан ишончон учун фойдалансам, кетган харажатларни ундириб олишим мумкинми? А. УРОЛОВ, Фориш тумани.

— Иш беришнинг розилиги билан унинг манфаатлари учун ҳодим ўзига тегишли мол-мулк ёки транспорт воситаларининг амортизацияси ва ундан фойдаланишдаги харажатлар иш беришчи ҳисобидан тўлашни лозим. Унинг миқдори ва тартиби жамоа шартномасида, агар у тўзилмаган бўлса, ҳодим билан иш беришчи ўртасидаги келишувга биноан белгилаб қўйилади. Бундай ҳўлатлар Меҳнат кодексининг 173-моддасида белгилаб қўйилган.

Э. МАВЛОНОВ тайёрлади.



САМАРҚАНД

Тайлок туманидаги Садриддин Айний номи ҳўжалик ижарачиси Эргаш Гафоров бултурги даромади ҳисобига трактор сотиб олди. 0,60 гектар тоқсоннинг ўзидан олинган даромад 800 минг сўмдан ошди. Бундан ташқари, у 10 сотих томорқасида ҳам ишлашга вақт топди. Эрта баҳорда сабзавот кўчатлари етиштириб, 100 минг сўм атрофида фойда кўрди. Кейин картошка эғди. Ҳосил йиғиштириб олинган, ерларга саримсоқ, сабзи, пиёз қадади. Қарабсизки, ер бир йилда уч бора ҳосил берди. Даромадга даромад қўшилди. Деҳқоннинг рўзғори тўкин бўлиб, бозори ҳам юришиб кетди. Шахсий тракторга эғалик қилиш эса бу йилги ишларни янада юриштириб юборди.

Самарқандда Эргаш Гафоров сингари ўз деҳқончилик мактабини яратётганлар сафи йил сайин кенгайиб борапти. Улар билан суҳбатлашсангиз, ҳар бирининг қалбида бугунги кундан шўкроналик ҳисларини тўясиз.

Ҳа, деҳқоннинг ерга бўлган меҳри ҳамиша баланд. Фақат мустабид тузум даврида у даласидан биров беэди. Чунки ўша пайтда меҳнатнинг маҳсулини кўрмади, рўзғоридан барака қочди. Ҳатто эшигининг олдида пахта экишга мажбур бўлди. Пахтадан ортган ташландиқ ерлару уватларда етиштирган сабзавот ва меваларнинг гўзани дориллаш даврида қаттиқ захарланишдан ич-ичдан ачинди.

Бугун эса вазият бутунлай бошқача. Пахта, галла, сабзавот, қўйинги, қишлоқ ҳўжалик экиларининг барча турларидан мўл ҳосил етиштирилапти. Бултур вилоятдаги мавжуд деҳқон ҳўжаликлари 53646 гектар томорқада деҳқончилик қилишди.

Деҳқон ҳўжаликлари учун галлачилик, айникис, сердаромад соҳага айланди. 21625 гектар майдондан 107967 тонна ҳосил йиғиштириб олинди.

Вилоятда лалмикорликда деҳқончилик қилинадиган майдонлар ҳам анчагина, Уларнинг аксарият қисми Нуробод ва Қўшарот туманлари ҳиссасига тўғри келади. Аммо ўтган йилги таҳлиллар иккала туманда томорқа ҳўжалигини ривожлантиришга бўлган эътибор бирдек эмаслигини кўрсатди. Нурободда деҳқон ҳўжаликлари 2593 гектар майдонга галла экишдан бўлса, Қўшаротда эса бу кўрсаткич 1040 гектардан ошмаган.

Кейинги йилларда Самарқандда картошқачилик ҳам асосий тармоқлардан бирига айланиб борапти. Бунда деҳқон ҳўжаликлари кўпроқ ибрат кўрсатишапти. 1999 йилда улар ўз томорқаларида 136952 тонна ҳосил етиштирдилар. Уртача ҳисоридорлик салкам 200 центнерни ташкил этди. Бу борада чеклик деҳқонлар энг юқори натижага эришдилар. Мазкур туманда 600 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 450 центнердан картошка олинди.

Самарқанд бозорлари қишин-ёзин сабзавот махсулотлари билан тўкин. Бу соҳада Самарқанд тумани деҳқонлари бой таъриба тўплашган. Вилоятда мазкур тумани «Сабзавот ороли»га қисқашади. Аслида ҳам шундай. Самарқанддек йирик шаҳар бозорларини асосан ана шу туман миришкорлари обод қилишади. Бу ерда ҳар бир оила асосий даромадини сабзавотчиликдан топади. Бултур деҳқон ҳўжаликлари 32680 тонна сабзавот махсулотлари тайёрлашди. Ҳосилдорлик эса 450 центнердан ошди. Бу вилоятда энг юқори кўрсаткичдир.

Тўғри, деҳқон ҳўжаликларининг айрим муаммолари ҳам бор. Баъзан улар ўғит ва сув танқислиги, техника топиш борасида қийналиб қолишапти. Лекин ишга бўлган меҳр, интилиш, ташаббускорлик ва тадбиркорлик бундай мураккабликлардан устун келмоқда.

Абдураҳул САТТОРОВ, «Жалқ сўзи» мухбири.

ТОМОРҚА

Президентимиз бир гапни кўп бора такрорлайдилар: деҳқон кўп бўлса, мамлакат бой бўлиши мўқаррардир. Қишлоқ ҳўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар замирида ҳам айнан юқоридаги масала ётади. Айникис, жойларда қишлоқ аҳолисига томорқа учун ер берилиши бу борада муҳим омил бўлди.

Ҳа, деҳқоннинг агар деҳқон ҳўжалиги эртага махсулот — товар ишлаб чиқарадиган бўлса, яъни ўз махсулотини бозорга олиб чиқадиган бўлса, табиийки, бу масалада у давлатнинг юқини енгил қилади. Тукингилу фаровонлиқни таъ-

минлаш билан бир қаторда қишлоқдаги юзлаб ёшларни доимий иш билан таъминлайди. Шунинг баробарида махсулотнинг турти кўтайиб, сифати ошади. Бундай имтиёزلардан барча деҳқону томорқачилар оқилона фойдаланаяптими? Эрилинг табарруқлигини, тупроқнинг олтинлигини ҳамма вақт ҳам тушуниб етгайлимизми? Фақат ердан ҳосил талаб қилмай, вақти-вақти билан у ҳақда қайғуришга имкон топаёلمизми?

Вилоятлардаги муҳбирларимиз жойларда ана шу масалалар билан қизиқдилар.

ФАРФОНА

Иёл буйида узоқ айлиниб, ниҳоят, бир томорқада меҳнат қилаётган қишлоқликларга рубўр бўлдик. Қаровсиз томорқачилар кимга қарашли эканлигини суриштирдик.

— Бир девор кўшим Мазруфжон деган йигит, — деди Раҳмонжон Ғуломов. — Мана, беш йилдан бери уйни тиклаш билан овораман. Ўтган йилги томини ёғдим. Шу йиллар ичида кўшим бирор марта ҳам томорқасидан ҳар бир олганлигини билмайдим. На бир гишт қўйди, на бирор тул қўчат ўтказди. Ақалли атрофини ҳам ураб қўйгани йўқ. Ерни эса йилдан йилга ажриқ босиб кетаяпти. Билмадим, томорқасини нима мақсадда олган экан?

Биз ҳам Раҳмонжоннинг саволига жавоб излаб қўришга ҳаракат қилдик. Афсуски, саволларимиз жавобсиз қолди. Чунки шўр босган, қаровсиз бошқа томорқачиларнинг кимга қарашли эканлигини ҳўжалик раҳбарлари ҳам, тумандаги шу соҳага мутасаддилар ҳам аниқ айтиб бера олмадилар.

Шу ишларни ўз тасаруфи ва назоратига олган туман деҳқон ва фермер ҳўжаликлари уюшмаси раҳбарларининг эса паровий-палак Уюшма раиси Абдуаннон Холбеков виқор билан ўтган йили 30 миллион сўмлик қишлоқ ҳўжалик махсулотлари тайёрланганлигини қайта-қайта такрорлайди. Ахир, бу курсатки шўндоқ қўшни Олтирқат туманида 3 миллиард сўмдан ҳам ошиб кетганлигидан наҳотки у баҳабар бўлса?

Охунбобоевликлар ҳам узоққа бормай, томорқадан олтин топаётган олтирқатликлар таърибасини ўрганишса, асақалари кетадими? Биз эса бир ҳақиқатни ана такрорлаб қўймоқчимиз: ер сийлаганини сийлайди!

С. НАБИЕВ, «Жалқ сўзи» мухбири.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудуди Тўртқўлдан, Тўртқўл эса, маълум маънода, бир вақтлари Буюк Илқ йўлининг муҳим бекети ҳисобланган Шўраҳон қишлоғидан бошланади. Шўраҳон қалъаси атрофларида эрамиздан олдин ҳам боғу роғлар гуллаб-яшнаган. Овруполик машҳур шарқшунос Герман Вамбергер 1862 йил ёзида Шўраҳон заминига сафари тўғрисида қишлоқнинг ҳўқини билан бундай деб ёзади: «... нон-тузга тақлиф қилишди. Мен улар тақлиф этган мева-чевалардан қоринимни тўйгазим. Пул берганим, олишмади...»

Ана шундай саховатли кишилари булган, қадимий ва навқирон қишлоқда Йўлдош оға Жуманёзов истиқомат қилади. У — оддий меҳнати билан эл ўртасида обрў-эътибор топган азиз нуронийлардан бири. Оқсоқолнинг аждоудайимлари, ҳешу ақрабодлари шу элнинг ути билан қириб, қули билан қишиган, барча қатори ризки-рўзи, насибасини ердан ундиришган. Отаси ҳам бошқоғуларнинг чиройли ваъдаларига ишониб, бир умр даладан чиқмади. Бирок қилчаса чироқ кўрмади.

Томорқадан келадиган учинчи муҳим манфаат шундан иборатки, Йўлдош оға кузги бугдой ўрнига сабзи эғди. Шўраҳонда ҳам, қўшни «Ўзбекистон» ширкат ҳўжалигида ҳам бир сотих ердан 1 тоннага яқин сабзи ундирадиган оилалар бор. Оқсоқол эса 24 сотихдан иборат томорқасида сабзавот ва полиз экинларининг деярли барча турларини етиштиради. Барчасидан мўл ҳосил олади.

Йўлдош оғанинг томорқасидаги тўртинчи нафта келсақ, ери ва боғи оила бекетининг мустаҳкам таъини ҳисобланади. Хали кўпчилик деҳқонлар қўқлам таррадути тўғрисида ўйлашга улгурмаган кезларда, Йўлдош оға уйдаги иссиқхонада сабзавот

кўчатлари ўстиради, баҳор келиши биланок, уларни бозорга олиб чиқади. Ва мўмай даромад олади. Айни чоғда уша қўчатлардан, авваламбор, ўз томорқасига эғди. Тўртқўл бозорига биринчилардан бўлиб янги помидор, янги бодиринг олиб чиқади.

Биз ўзимизча ҳомўт қилиб кўрдик: йил давомида бу хонадон оладиган соф фойда роппа-роса бир миллион сўмга етар экан!

Тўртқўл туманида 22 мингдан зиёд оила, демак, шўнча томорқа бор. Ўтган йилги улар ўз қарамоғидаги 910 гектар ердан 13195 тонна сабзавот, 166 гектар майдондан 2982 тонна полиз, 263 гектар боғдан 989 тонна мева, 40 гектар тоқсондан 480 тонна узум етиштирдилар.

— Томорқа эғалари мамлакатимизда дон мустақиллигининг мустаҳкамлашишига ҳам муносиб улуш қўшмоқдалар, — дейди Тўртқўл тумани ҳокимининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Аминбой Ишнингизов. — 1999 йилда улар 3939 тонна кузги бугдой етиштирдилар. Ҳосилдорлик гектар ҳисобига 39 центнерни ташкил этди. Қолаверса, ҳозирги кўнча хонадонларда 35180 бош қарамол, 34321 бош қўй-эчки, 31716 бош парранда, 311 бош от, 74 бош туя парвариланапти!

Ана шу қонунбузарликлар турли лавозимдаги шахсларнинг хизмат мавқенин суистемол қилганликлари, ўз манфаати йўлида жиноий тил бириктирилганликлари, эътиборсизлик, тўғрисида, ерга эғали ҳиссини тўймаганликлари натижадир.

Қарши туманидаги «Чорғали» жамоа ҳўжалигининг уч нафар бригада бошлиғи ўз манфаатларини ўйлаб, 7,5 гектар майдонга полиз ва галла экинлари экишдан бўлса, «Янги боғ» жамоа ҳўжалигининг бригадари Т. Бердиев 5 гектар ерга қунабоғ эгкан. Қаршилик 44 фуқаро С. Раҳимов номи ширкат ҳўжалигининг 8 гектар ерга «эга» бўлиб олишган. Деҳқонбод туманидаги Х. Олимжон номи жамоа ҳўжалигида яшовчи бир неча фуқаро эса ҳўжалигининг беда экинган майдонини ўзбошимчилик билан бўзиб ташлаб, уй қуришган, галла экишган.

Шу билан бирга, аҳоли эҳтиёжи учун ёки уй

Янгибўй КўЧҚОРОВ, «Жалқ сўзи» мухбири.

Ун икки ёшли Раҳман — оилада учинчи фарзанд. Исмоил Маматов оиласи эса Тўрақўрғон шахрининг «Тошкент» маҳалласида яшайди. Раҳман рўзғор юмушларига югуриб-елиш учун отасидан велосипед олиб беришни сўраганида, Исмоил ака рад этди. Кейин у бунинг сабабини оила аъзоларига тушунтирди.

— Велосипедни даров олиб беришим мумкин. Чўнгатим бемалол кўтараман. Лекин Раҳман анча-мунча пул турадиган бу матоҳнинг қадрини билармикми? Ўзи ишлаб, пул топса, бошқа гап, етмаганини қўшиб велосипедни миндириб қўяман.

Ота баҳорда ўғлига 450 бош ҳўжа олиб берди. Раҳман уларни парвариш қилишга қўришди. Бўш вақти бўлди дегунча улар олдида чопайди. Жониворлар катта бўлиб, туҳмат қирғач, уни сотиб, пулини йиға бошлади. Ниҳоят, 12 минг сўмга велосипед харид қилди.

Ҳарсала билан ишлаб, даромадга эга бўлиш йўлини топган қишга гектарлар майдонда деҳқончилик қилиш шарт эмас. Эрилинг тилини билиб, меҳнатдан қочмайсиз қирғач. Исмоил ака ўғиллар билан маслаҳатлашиб, томорқанинг чорак қисмини иссиқхона қуриб, тўрт фаслни эғга айлантиришга ҳам икки йил бўлди. Асосий даромад ана шу икки сотихдаги помидордан олинапти. Иссиқхонага катта ўғил Раҳмонжон масул. Бултур Голландиядан келтирилган помидорнинг «Гамала» навини синовдан ўтказишди. Ҳосил чакки бўлмади. Ҳар тул помидордан 4-5 килограммдан ҳосил олинди. Икки ойда бозорда 3 тонна ҳосил чиқарилди. Бу эса оила хазинасига 600 минг сўм даромад келтирди.

Томорқа — иккинчи ўғил Раҳмонжоннинг тасаруфида. У эрта баҳорданок плёнка остига бодиринг кўчатини ўтказди, бозорга эртанинг ҳосил чиқарди. Даромад ҳам шўнга яраша.

Учинчи туманининг Еркатай қишлоғида яшовчи Худойберди Расулов ҳам уйда иссиқхона қурган. 4 сотих жойда лимон қўчатларини парваришлайди, қўчат ўстиради. Очик майдонга эса хурмо эгкан. Бу оила ҳам бултур 8 сотих ердан ярм миллион сўм фойда олди. Қўшни Машауд қишлоғида Мамасодик Отахонов эса қўчатчиликка кўл ўрди. У 6532 тул хурмо қўчатини икки йилда бозорбоп ҳўлга етказиб, 3 миллион сўмга пуллади.

Бугун вилоят шаҳар ва қишлоқларида 323 мингга яқин томорқа эғалари бўлиб, улар тасаруфида 25,5 минг гектар ер борлигини ҳисобга олсақ, бу борада имконият қанчалик катта эканлиги ойдинлашди.

Тўғри, ҳамма ҳам Исмоил Маматовдай бўлавермайди. Аммо унинг сингари «қаловини топиб қорни ёндиратганлар» сероб бўлса-да, томорқа ҳўжалиги таракўтийнинг ўзига ҳос муаммолари ҳам йўқ эмас.

Маълумки, ҳар қандай экиндан юқори ҳосил олиш учун маҳаллий ўғит билан бир қаторда минерал ўғит ҳам керак. Лекин у йил ва фосфорли ўғитларни қай йўсинда топишлари қўпчиликка аён. Давлат захиралигида бўладиган бундай қиммий ўғитларни ёки усимлик зарарқондларига қарши ишлатилган қиммий дориларни жисмоний шахсларга сотадиган махсус дўконларни қўндузи чироқ ёқиб ҳам топпайсиз.

Едимда, бундан беш-олти йил муқаддам Тўрақўрғонда «Агроқимберсис» ҳисдорлик жамияти туманда минерал ўғит билан савдо қилувчи бир дўкон очган эди. У ҳам эғина мuddат ишлади-ю, сўнг ёпилди. Айтмоқчимизки, ўсимликларни ҳимоя қилиш билан шуғулланувчи ташкилотларда томорқа эғаларига хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш зарур. Бунда, аввало, томорқачи ўғит олишда муаммага дўл келмайди, шунингдек, гўза ёки бугдойнинг насибаси билан минерал ўғит бутунлигича ерга сепилади. Ва мўл ҳосил олинади.

К. НАЖМИДИНОВ, «Жалқ сўзи» мухбири.

СЎНГИ СЎЗ ЎРНИДА

ДЕҲҚОНИ ТЎҚ ЭЛНИНГ РИЗҚИ БУТУНДИР

Ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси томонидан ердан фойдаланишда «Ер кодекси» ва тегишли ҳўкумат қарорларининг ижроси юзасидан текширишлар ўтказилиб, 46532 гектар майдонда 3125 та қонун бузилишлари бўлиши аниқланди. Мазкур қонунбузарликлар бўлиши далолатнома расмийлаштирилиб, 39339 гектар ердан 1713 та ҳўлат юзасидан материаллар муҳкамаси қилиш туман ҳокимликлариди ер масалалари билан шуғулланувчи комиссияларга, фуқаролар йиғинларидаги махсус комиссияларга, қолган 11593 гектар майдондаги 1439 та ҳўлатга тегишли ҳўжатлар эса чора қўриш учун тергов идораларига топширилди.

— Маълумки, қўмитамиз умумий бойлигимиз билан ер, ундан фойдаланиш, ер кадастри устидан назорат қилувчи ташкилотлар, — дейди Ер ресурслари давлат қўмитаси раиси Эргашли Курбанов. — Демакки, мақсадимиз битта — ердан самарали, оқилона фойдаланишни назорат этиш.

Қўмита назорат бошқармасининг аниқлашишча, жойларда миллий бойлигимизга ҳўжасизларча ёндашиш, ўз қизмат мавқенин суистемол қилган ҳўлатларда ерни талон-торож этиш ёхуд ерга ўзбошимчилик билан эғалик қилиш, русхатсиз уй-жой қуриш ҳўллари талайгина. Ўтган йилги биргина Бўхоро вилоятида 146 та ҳўлат бўйича ер қонунчилиги бузилиши аниқланди бўлса, бу ҳол Навоий вилоятида 269 та, Самарқанд вилоятида 465, Қорақалпоғистонда 131 та тақил этди. Қолган вилоятлар ҳам бундан мустасно эмас.

Ана шу қонунбузарликлар турли лавозимдаги шахсларнинг хизмат мавқенин суистемол қилганликлари, ўз манфаати йўлида жиноий тил бириктирилганликлари, эътиборсизлик, тўғрисида, ерга эғали ҳиссини тўймаганликлари натижадир.

Қарши туманидаги «Чорғали» жамоа ҳўжалигининг уч нафар бригада бошлиғи ўз манфаатларини ўйлаб, 7,5 гектар майдонга полиз ва галла экинлари экишдан бўлса, «Янги боғ» жамоа ҳўжалигининг бригадари Т. Бердиев 5 гектар ерга қунабоғ эгкан. Қаршилик 44 фуқаро С. Раҳимов номи ширкат ҳўжалигининг 8 гектар ерга «эга» бўлиб олишган. Деҳқонбод туманидаги Х. Олимжон номи жамоа ҳўжалигида яшовчи бир неча фуқаро эса ҳўжалигининг беда экинган майдонини ўзбошимчилик билан бўзиб ташлаб, уй қуришган, галла экишган.

Шу билан бирга, аҳоли эҳтиёжи учун ёки уй

М. ХОЛМАТОВА, «Жалқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

илмий-тадқиқот институтлари ва илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари
фан ва техниканинг қуйидаги ихтисосликлари бўйича
2000 йилда аспирантура ва докторантураларга

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

АКАДЕМИК ВСЕВОЛОД РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: математик анализ; дифференциал тенглалар; эҳтимоллар назарияси ва математик статистика; математик логика, алгебра ва сонлар назарияси мутахассисликларига (кундузги бўлим).

Докторантурага: математик анализ мутахассислигига. Манзил: Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, Ф. Хўжаев кўчаси, 29-уй.
Қабул комиссияси телефони 162-73-57.

ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: назарий физика; қаттиқ жисм физикаси мутахассисликларига (кундузги бўлим). Манзил: Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, Улуғбек кўчаси.
Қабул комиссияси телефони 64-15-52.

АКАДЕМИК СОДИҚ АЗИМОВ НОМИДАГИ "ФИЗИКА-ҚУЁШ" ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Аспирантурага: қаттиқ жисм физикаси; ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси; атом ядроси ва элементар заррачалар физикаси; қайта тикланган энергия турларини ўзгариши ва улар асосидаги қурилмалар мутахассисликларига (кундузги бўлим). Ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси; қайта тикланган энергия турларини ўзгариши ва улар асосидаги қурилмалар мутахассисликларига (сиртки бўлим).

Докторантурага: ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси мутахассислигига. Манзил: Тошкент, Юнусобод тумани, Ф. Мавлонов кўчаси, 26-уй.
Қабул комиссияси телефони 133-12-71.

АКАДЕМИК УБАЙ ОРИФОВ НОМИДАГИ ЭЛЕКТРОНИКА ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: физикавий электроника; қаттиқ жисм физикаси мутахассисликларига (кундузги бўлим). Манзил: Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, Ф. Хўжаев кўчаси, 33-уй.
Қабул комиссияси телефони 162-79-40.

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: астрофизика, радиоастрономия мутахассислигига (кундузги бўлим). Манзил: Тошкент, Юнусобод тумани, «Астрономия» кўчаси, 33-уй.
Қабул комиссияси телефони 35-06-38.

ИССИҚЛИК ФИЗИКАСИ БЎЛИМИ

Аспирантурага: қаттиқ жисм физикаси; иссиқлик физикаси ва молекуляр физика; лазер физикаси мутахассисликларига (кундузги бўлим). Манзил: Тошкент, Чилонзор тумани, «Қатортол» кўчаси, 29-уй.
Қабул комиссияси телефонлари 76-44-57, 76-86-77.

"АКАДЕМАСБОБ" ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Аспирантурага: физикавий электроника; оптика мутахассисликларига (кундузги бўлим). Манзил: Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, Академиклар шаҳарчаси.
Қабул комиссияси телефони 162-72-73.

АКАДЕМИК МУҲАММАД УРАЗБОВ НОМИДАГИ МЕХАНИКА ВА ИНШОТЛАРНИНГ СЕЙСМИК МУСТАҚАМЛИГИ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси; приборлар ва аппаратуралар, машиналар динамикаси ва мустақамлиги; замин ва пойдеворлар мутахассисликларига (кундузги бўлим). Суяқлик, газ ва плазма механикаси мутахассислигига (сиртки бўлим). Манзил: Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, Ф. Хўжаев кўчаси.
Қабул комиссияси телефони 162-71-32.

"КИБЕРНЕТИКА" ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Аспирантурага: алоқа тармоқлари, бўғинлари ва ахборотни тақсимлаш; техник тизимларда бошқарув; ах-

боротни қайта ишлаш ва бошқарув тизимлари мутахассисликларига (кундузги бўлим). Алоқа тармоқлари, бўғинлари ва ахборотни тақсимлаш; техник тизимларда бошқарув мутахассисликларига (сиртки бўлим).

Докторантурага: техник тизимларда бошқарув; бошқарувнинг автоматлаштирилган тизимлари мутахассисликларига. Манзил: Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, Ф. Хўжаев кўчаси, 34-уй.
Қабул комиссияси телефони 162-72-47.

СУВ МУАММОЛАРИ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: гидравлика ва муҳандасий гидрологияси; куруқлик гидрологияси, сув ресурслари ва гидрохимия; агро-роф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш мутахассисликларига (кундузги бўлим). Манзил: Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, Академиклар шаҳарчаси.
Қабул комиссияси телефони 169-12-70.

АКАДЕМИК ҲАБИБ АБДУЛЛАЕВ НОМИДАГИ ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: умумий ва минтақавий геология; литология мутахассисликларига (кундузги бўлим). Манзил: Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, Н. Ҳожибоев кўчаси, 49-уй.
Қабул комиссияси телефони 162-65-16.

АКАДЕМИК ГАНИ МАВЛОНОВ НОМИДАГИ СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: геофизика; табиий география, ландшафтлар геофизикаси ва геокимёси мутахассисликларига (кундузги бўлим). Манзил: Тошкент, Шайхонтоҳур тумани, М-12, Хуршид кўчаси, 3-уй.
Қабул комиссияси телефони 41-50-70.

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: коллоид ва мембрана кимёси; экология; анорганик моддалар технологияси; минерал ўғитлар технологияси; агрокимё мутахассисликларига (кундузги бўлим). Манзил: Тошкент, Шайхонтоҳур тумани, М-12, Хуршид кўчаси, 3-уй.
Қабул комиссияси телефони 41-50-70.

ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: органик кимё; биоорганик кимё, табиий ва физиологик фаол моддалар кимёси; фармакология мутахассисликларига (кундузги бўлим). Манзил: Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, Х. Абдуллаев кўчаси, 77-уй.
Қабул комиссияси телефони 162-59-13.

ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: полимерлар физикаси; юқори молекуляр бирикмалар кимёси мутахассисликларига (кундузги бўлим). Манзил: Тошкент, Шайхонтоҳур тумани, А. Қодирий кўчаси, 7-Б уй.
Қабул комиссияси телефонлари 41-86-44, 144-25-87.

АКАДЕМИК ОБИД СОДИҚОВ НОМИДАГИ БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: биоорганик кимё, табиий ва физиологик фаол моддалар кимёси мутахассислигига (кундузги бўлим). Манзил: Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, Х. Абдуллаев кўчаси, 83-уй.
Қабул комиссияси телефони 162-70-62.

МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: микробиология; биотехнология мутахассисликларига (кундузги бўлим). Биотехнология мутахассислигига (сиртки бўлим). Манзил: Тошкент, Шайхонтоҳур тумани, А. Қодирий кўчаси, 7-Б уй.
Қабул комиссияси телефони 44-25-19.

БИОКИМЁ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: биокимё мутахассислигига (кундузги бўлим). Манзил: Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, Х. Абдуллаев кўчаси, 56-уй.
Қабул комиссияси телефони 162-24-41.

БОТАНИКА ИНСТИТУТИ ВА БОТАНИКА БОҒИ

Аспирантурага: ботаника мутахассислигига (кундузги бўлим). Манзил: Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, Ф. Хўжаев кўчаси, 32-уй.
Қабул комиссияси телефони 162-70-65.

ФИЗИОЛОГИЯ ВА БИОФИЗИКА ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: ўсимликлар физиологияси; одам ва ҳайвонлар физиологияси мутахассисликларига (кундузги бўлим). Манзил: Тошкент, Собир Раҳимов тумани, А. Ниёзов кўчаси, 1-уй.
Қабул комиссияси телефони 46-95-17.

ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: зоология; ихтиология мутахассисликларига (кундузги бўлим). Манзил: Тошкент, Собир Раҳимов тумани, А. Ниёзов кўчаси, 1-уй.
Қабул комиссияси телефонлари 46-09-00, 46-71-64.

ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: биокимё; ўсимликлар физиологияси; генетика; молекуляр генетика мутахассисликларига (кундузги бўлим). Манзил: Тошкент, Қибрай тумани, Юқориюз қишлоғи.
Қабул комиссияси телефони 64-23-90.

ОНКОЛОГИЯ ВА РАДИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: онкология мутахассислигига (кундузги бўлим). Манзил: Тошкент, Собир Раҳимов тумани, Форобий кўчаси, 383-уй.
Қабул комиссияси телефони 46-05-12.

ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: эндокринология мутахассислигига (кундузги бўлим). Манзил: Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, Х. Абдуллаев кўчаси, 56-уй.
Қабул комиссияси телефони 162-27-02.

ВИРУСОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: вирусология; юқумли касалликлар мутахассисликларига (кундузги бўлим). Манзил: Тошкент, Юнусобод тумани, Муродов кўчаси, 7-уй.
Қабул комиссияси телефони 24-83-26.

ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: иқтисодий назария; макроиқтисодиёт мутахассисликларига (кундузги бўлим). Манзил: Тошкент, Ҳамза тумани, Боровский кўчаси, 5-уй.
Қабул комиссияси телефони 133-14-78.

АКАДЕМИК ИБРОҲИМ МЎМИНОВ НОМИДАГИ ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: диалектика ва билиш назарияси; фалсафа тарихи; ижтимоий фалсафа; давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи; сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи; фуқаролик ҳуқуқи; оила ҳуқуқи; фуқаролик жараёни; халқро ҳуқуқий ҳуқуқ; қишлоқ ҳужалик ҳуқуқи; ер, сув, ўрмон ва кон ҳуқуқи; экологик ҳуқуқ; жиноят ва жазо ҳуқуқи, криминалогия; ахлоқ тузатиш-меҳнат ҳуқуқи мутахассисликларига (кундузги бўлим). Манзил: Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, И. Мўминов кўчаси, 9-уй.
Қабул комиссияси телефони 62-38-87.

ТАРИХ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: ватан тарихи; этнология (этнография) мутахассисликларига (кундузги бўлим).

Докторантурага: ватан тарихи; этнология (этнография) мутахассисликларига. Манзил: Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, И. Мўминов кўчаси, 9-уй.
Қабул комиссияси телефони 162-38-73.

АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: ҳозирги миллий адабиёт; миллий адабиёт тарихи; адабиёт назарияси; фольклоршунослик; миллий тиллар мутахассисликларига (кундузги бўлим). Манзил: Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, И. Мўминов кўчаси, 9-уй.
Қабул комиссияси телефонлари 162-42-47, 162-43-36.

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: умумий тарих; тарихнавислик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари мутахассисликларига (кундузги бўлим). Манзил: Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, Х. Абдуллаев кўчаси, 81-уй.
Қабул комиссияси телефони 161-54-61.

АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ АДАБИЁТ МУЗЕЙИ

Аспирантурага: адабий манбашунослик ва матншунослик мутахассислигига (кундузги бўлим). Манзил: Тошкент, Шайхонтоҳур тумани, А. Навоий кўчаси, 69-уй.
Қабул комиссияси телефони 41-02-75.

САМАРҚАНД БЎЛИМИ БЎЙИЧА:

МИНТАҚАВИЙ МУАММОЛАР КОМПЛЕКСИ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: деформацияланувчи қаттиқ жисм механикаси; суяқлик, газ ва плазма механикаси; ватан тарихи; умумий тарих; макроиқтисодиёт мутахассисликларига (кундузги бўлим). Манзил: Самарқанд, Темур Малик кўчаси, 3-уй.
Қабул комиссияси телефони 33-39-50.

АКАДЕМИК ЯҲЁ ҒУЛОМОВ НОМИДАГИ АРХЕОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: археология мутахассислигига (кундузги бўлим). Манзил: Самарқанд, В. Абдуллаев кўчаси, 3-уй.
Қабул комиссияси телефони 32-15-13.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН БЎЛИМИ БЎЙИЧА:

ҲИСОБЛАШ МАРКАЗИ

Аспирантурага: эконометрика ва статистика мутахассислигига (кундузги бўлим). Манзил: Нукус, «Туртқў» шоҳқўчаси, 179-А уй.
Қабул комиссияси телефони 7-22-10.

ТАБИЙ ФАНЛАР КОМПЛЕКСИ

Аспирантурага: қаттиқ жисм физикаси мутахассислигига (кундузги бўлим). Манзил: Нукус, Бердақ шоҳқўчаси, 41-уй.
Қабул комиссияси телефони 7-18-03.

БИОЭКОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: экология, паразитология мутахассисликларига (кундузги бўлим). Манзил: Нукус, Бердақ шоҳқўчаси, 41-уй.
Қабул комиссияси телефони 7-17-13.

ТАРИХ, АРХЕОЛОГИЯ ВА ЭТНОГРАФИЯ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: ватан тарихи; тарихнавислик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари мутахассисликларига (кундузги бўлим). Манзил: Нукус, «Туртқў» шоҳқўчаси, 179-А уй.
Қабул комиссияси телефони 7-22-60.

НАЖИМ ДАВҚАРАЕВ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

Аспирантурага: миллий адабиёт тарихи; фольклоршунослик мутахассисликларига (кундузги бўлим). Манзил: Нукус, «Туртқў» шоҳқўчаси, 179-А уй.
Қабул комиссияси телефони 7-82-51.

ҚАБУЛ ҚОИДАЛАРИ

Аспирантура ва докторантураларга иқтидорли ёшларни қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Президиуми қарорига биноан белгиланган ўринларга қараб амалга оширилади.

ҲУҶЖАТЛАР 10 апрелдан 15 сентябргача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари 16 сентябрдан 1 ноябргача танлов асосида ўтказилади.

Аспирантурага кирувчилар қуйидаги фанлардан имтиҳон топширилади:

1. Мутахассислик
2. Фалсафа
3. Чет тили
4. Ўзбекистон тарихи
5. Информатика

Мутахассислик бўйича кириш имтиҳони бошқа фанлардан олдин топширилади. Докторантурага кирувчи номзодлар суҳбатдан ўтдилар ва илмий муассаса илмий кенгашининг қарорига биноан дифференциал равишда ўқишга тавсия қилинади.

АСПИРАНТУРА ВА ДОКТОРАНТУРАГА КИРУВЧИ МУТАХАССИСЛАР ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ РАИСИ НОМИГА ҚУЙИДАГИ ҲУҶЖАТЛАРНИ ИЛОВА ҚИЛГАН ҲОЛДА АРИЗА БЕРАДИЛАР:

- ходимларни ҳисобга олиш шахсий варақаси ва таржмаи ҳол;
- иш жойидан тавсиянома (бошқа ташкилотлардан юборилган шахслар учун тавсиянома);
- эълон қилинган илмий ишлари ва ихтиролари руйхати (белгиланган шакл бўйича). Илмий ишлари эълон қилинмаган шахслар танланган мутахассисликлар бўйича илмий маълумотлар (рефератлар) тақдим этилади;
- аспирантурага бевосита олий ўқув юртини тугатганидан кейин тавсия этилган мутахассислар учун олий ўқув юрти (факультети) илмий кенгаши таълисининг баёнидан кўчирма;
- олий ўқув юртини тугатганидан тўғрисидаги диплом нусخаси;
- кириш имтиҳонларининг топширилганлиги (бор бўлса) тўғрисидаги гувоҳнома;
- меҳнат дафтарчасидан кўчирма;
- 086 шаклдаги тиббий маълумотнома.

Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқдорлик ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади. Бошқа шахарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқаришдан ажралган (кундузги) аспирантурага 30 ёшгача бўлган, ишлаб чиқаришдан ажралмаган (сиртки) аспирантурага 35 ёшгача бўлган олий маълумотли мутахассислар ва магистрлар ҳамда олий ўқув юртилари, илмий муассасалар, ўрта мактаблар, коллеж ва лицейларда ишловчи иқтидорли ёш ўқитувчилар қабул қилинади.

Аспирантурага кириш истагини билдирган ёш мутахассислар олий ўқув юртини тугатганидан кейин танланган мутахассисликлар бўйича камда бир йиллик амалий иш тажрибасига эга бўлишлари шарт. Аспирантурага кирувчи номзоднинг мутахассислиги олий ўқув юрти мутахассислигига мўъносилиги ҳамда баҳолашнинг ўртача кўрсаткичи "4" (тўрт)дан паст бўлмаши керак. Номзодлик имтиҳонларини қисман ёки тўлалигича топширган шахслар, агар номзодлик имтиҳонларини топширган кундан 5 йил ўтмаган бўлса, аспирантурага киришда тегишли кириш имтиҳонларини топширишдан овоз этилади. Хорижий давлатлар фуқаролари ЎзР ФА Президиуми белгиланган Низом талаблари асосида шартнома (контракт) тузиш орқали аспирантура ва докторантураларга қабул қили-

нади.

Докторантурага ўзи танлаган соҳада докторлик диссертациясига асос бўла оладиган салмоқли илмий ютуқларга эришган, ўзини истиқболли илмий ва илмий-педагогик ходим сифатида намойен қилган, фундаментал тадқиқотларни юксак савияда олиб бориш ва муҳим халқ ҳужалиги ҳамда ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятга молик илмий муаммоларни ҳал қилиш қобилиятига эга бўлган 45 ёшдан ошмаган фан номзодлари қабул қилинади.

Докторантурага кирувчи илмий ходимнинг мутахассислиги номзодлик диссертациясига мўъносилиги ҳамда докторлик диссертациясига камда 50 фоз ҳамда бажарилган бўлиши шарт.

Қабул комиссияларининг қарорлари аспирантура ва докторантурага кирувчиларга бир ҳафталик муддатда эълон қилинади. Республика вазириликлари ва идоралари, ўқув юртилари ва ташкилотлари томонидан мақсадли аспирантура ва докторантураларга юборилган шахслар илмий муассасалар ҳисобига белгиланган тўловни ўтказганларидан сўнг кириш имтиҳонларига киритиладилар.

ИНСОННИНГ ҚҮСНИ

Исламда хикмат күй, бабаларымыз, моғолларимыз, ота-аналаримыз фарзанди дүниға келгенде яхши ният апа гүйкөн-күйгөни оған айтып, исми күйгөндер, бу эзгу көмуш оялғалар хонан сохилбаридан энг биш улуси зиммасига тушади. Мабодо оялғалар бундай күйгөнлик айтса, унда махалла-гузар, кишлоққа бообир, серфарзона кесаларға муржаат этилади.

Яқинда бошимдан ўтган бир воқеани айта берай. Юмш билан бир ташкилотга бордим. Масъул ходимага ўрашди, мақсадимни айтдим. Табиийки, у ҳужжат сўради. Паспортимни узатдим. Олиб кўз югуртирган бўлди ва кўзойнаги устидан менга синчков тикилиб, сўради:

— Хим-у. Ўзбекмисиз?
— А! Лабай? Ха, ўзбекман. Ўзбекининг наваридан.
— Нега унда фамилиянгиз Кадыров, исмингиз ҳам галати — Эшмухаммад, отангизнинг исми Имантурди?
— Ха энди, совет даврида шундай ёзилган-да...
— Йўқ, азиям, агар сиз айтгандек бўлса, унда Кадыров Эшмухаммад Омонтурди дегувчи қабилида чиरोғли қилиб тўғрилаш вақти келди.

Е тавба! Тўққиз йилдан бери муस्ताқил юрда яшашим-шарифимизнинг тўғри ёзилишига эътибор бермасек. Узим ҳам жуда изза бўлдим. Нега шу пайтгача тўғрилалмадим?

Таклиф

Болқ масаланинг бошқа томонлари ҳам йўқ эмас. Бу бордада ушбу исмилик қилиб ёган даққимни чиқаз айтай, кимга айтаман?

Уй-кой масаласида ҳужжатларни расмийлаштиришга тўғри келди. Керакли қозғаларни тўғрилади, шахсни тасдиқловчи ҳужжатга қўшиб, тўғриқандан ходимага узатдим. У кўз югуртириб чиққан, бошимни сарак-сарак қилиб:

— «Неправильно», — деди.
— Нимаси, опа?

Исми-фамилиянгиз паспортда бошқа «бланкада» «разный» бўлиб қолибди.
— Уар опа. Паспортимда ўрнча ёзилган эди. Ҳозир мен ўзбекча тартибда, тўғри-лаб ёздим.

— Узингизни уйингизда айтасиз. Қонунни биласизми? Паспортда қандаж бўлса, шундоқ ёзинг, бўлмаса ҳужжатингизни «оформить» қилмайман.

Қарасам, ишим битмайдиган. Бундан ташқари, бу «очевред» деган жонивор ҳам ҳадедангидан келвермас экан. Шунинг учун қозғаларни паспортим бўйича қайтадан — энди нотўғри тўғрилади бердим. Ен бердим, ишим битди.

Филолог бўла туриб, масаланинг мантикий томони ходимага тушунтира олмаганим алам қилди. Бу тўғрида қонун мавжудлиги эсимга тушди. Қитоб титкилай бошладим. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрдаги «Давлат тили тўғрисида»ги Қонуни янги тахрирининг 13-моддасида «Фуқаролик ҳолатини қайд этувчи ҳужжатлар, шахсининг эканлигини ва унинг ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатлар давлат тилида расмийлаштирилади, заруриятга қараб бошқа тилда таржимаси тақдорлангани мумкин», дейилибди. Мазкур қонуннинг 15-моддасида «Ўзбекистон Республикасида яшовчи шахслар, ўз миллатидан қачи назар, ўз исми-

Эшмухаммад КОДИРОВ,
филология фанлари номзоди.

«Чарм туп» жонқуярлари

Мовий Севан кўли бўйида ўсиб-ўлғайган арман йиғити ўзини асли фарғоналик деб аташларини хуш кўради. Бунга тўла маънавий ҳаққи бор. «Ахир, ярим асрлик умримнинг тенг ярми шу дилбар водий, ўзбек футболининг тамол тоши кўйилган шаҳар билан боғлиқ бўлса, бироз қизиққонлигим, фақат футбол майдониданги интилишларим, қайсарликларимни кўтариб, хас-пўшлаб келаятган юртнинг тупроғини кўзга суртмай бўладими?» Юрий Саркисяннинг қатта-кичик давраларда бу сўзларни бот-бот тақдорлаганига кўп марта гувоҳ бўлганман.

Фарғонада ўтган чорак асрлик умримнинг бирор сониси ҳам Осиёдаги энг кучли бешта жамоадан бири деб эътироф этилган «Нефчи» клубидан айри тушгани йўқ. Шундан 12 йил гўт масъулиятли, асаб торлари таранг тортилганча бош мураббийликда кечаяпти. Футбол жамоаси учун асосий кўрсаткич — пировард натижа. Бу борода нафақат юртимизда, ҳатто Осиёда ҳам «Нефчи» эришган марраларга ҳавас билан қарашади. Собик Иттифок биринчилигининг биринчи лигаси, муस्ताқил юртимизнинг чемпионати бўлсин, жамоа иккинчи ўриндан пастга тушгани йўқ.

Юрий САРКИСЯН: «ФУТБОЛНИ ФАҚАТ СЕВИШ ЭМАС, У БИЛАН ЯШАШ КЕРАК»

1999 йилнинг энг яхши мураббий портретига чизилар

Футбол Саркисян ҳаётининг мазмунига айланганига қолмай, унинг таъбири ва қувончи, алам ва қайғуси, қундалиқ турмуш тарзи билан уйғунашиб кетган.

Бундан тўрт йил аввал Осиё чемпионлари кубоги бахсларида Қозғистон чемпиони «Елимоё» билан Семипалатинск шаҳрида бўлиб ўтган ўйинда ҳақамангир ҳақсийли унинг умрига нукта қўйишга бир баҳа қолди. Унинг кўз олди қоронғилишиб кетди. Узи учун ор-номус, ҳаёт-мамонт қўрғони бўлган футбол майдонига қулаб тушди.

Фақат самолётда ўзига келади. Қўзини очиб, унга мунис боқиб турган, лекин адолатсиз мағлубият мижажарига чўкиб қолган йигирма икки нақвироннинг чехраларини кўради. Жамоа шифокори кимирла-масликни маслаҳат берса-да, йиғитларнинг кўнглини кўтариш учун ўзига бўйсунмаётган муҳаддиса ирода топади. Фарғонада шифокорлар «кенг қамровли юрак хуружи» деган ташхис билан кардиология марказига ётқизишади. Камиди йигирма кун палатлада қимирламай ётқизиб, муолажаларни сурункали ўтказиши топирилади.

Шу воқеадан бир ҳафта ўтган, мамлакат чемпионатининг навбатдаги ўйинларидан бири Фарғонада ўтказилиши керак. Қўнчилиқ ишқибозлар Саркисяннинг кардиология марказида даволанаётганини билиш-шади, айримлари хабар олишига ҳам улғуришган. Жамоани майдонга ёрдамчилари бошлаб чиқишди. Шу пайт майдоннинг югуртиш йўлисида «Тез ёрдам» машинаси пайдо бўлади. Ишқибозлар ўйин низоми бўйича ҳозир бўладиган тиббиёт ходимлари деб эътибор ҳам беришмади. Аммо машина «Нефчи» мураббийлари, захирадаги ўйинчилари ўтирган ўриндик олдиға келиб тўхтади. Ундан охишта, қасалхона кийимидаги Юрий Саркисян шифокорлар назоратида тушиб келади. Ишқибозлар билан тўла ўйингоҳ бир дақиқа тиниб қолиб, сўнгра олқишлардан қалқиб кетди. Минглаб овозлар бош мураббийни олқишларди.

Ана шундай. Бош мураббий ҳаётидаги энг қийин, ташвишли давларда ҳам, фаршандлари дунёға келган қувончли кунларда ҳам, юқоридеги воқеа туфайли орттирган дарди бот-бот қийнаган даққаларда ҳам ўз ўрнини сира тарқ этмаган. Ундан бу фидойиликнинг сирлари сўралса, доимо жавоби тайёр: «Футболни чинакамига севиш керак, фақат севибгина қолмай унга борлигинг, вужудингни бахшида қилишинг, шу тарзда яшашинг лозим».

Фарғона футболнинг бу-ғунги иқболи, ривож бевосита ўзбек футболининг чинакам жонқуярларидан бири Юрий Саркисян номи билан



Сувхўр авто

Бостонлик олим Эмери Бартелло сизот сувларига ҳаракатланадиган автомобиль ихтиро қилди. Бунинг учун у улловнинг давлати ва ёниги қўйиш тармоғига ўзгартириш қилди. Ихтиронинг маъзи шундаки, сизот сувлари ўзидан метан ажратди. У эса давлатни худди бениш қуйилгандай қийин таъминлади. Сўнги икки йилда ўтказилган синовлар янги «ёниги»дан машинани бир марта тўлатиб, бемалол 60 чакирим йўл бошиш мумкинлигини исботлади. Доктор Бартелло экологияга ҳеч қандай зиён келтирмайдиган бундай ихтирон яратиш учун чорак аср умрини бахшида этди.



Орзуси УШАЛГАН БУВИ

Голландиянинг Туэло шаҳрида яшовчи Вильхельмина Йолкин Паридан 17 ёшли набираси Моричанинг парашют спорти ҳақидаги ҳикояларини тинглаб, спортнинг бу турига қизиқиб қолди. Ниҳоят, бунининг орзуси ушалди. У ўзининг 80 ёшдаги 3000 метр баландликдан сакраш билан нишонлади.

Набижон СОБИР,
«Жалқ сўзи» мухбири.

Янги шифо маскани

Кейинги пайтларда республикамизда аҳоли саломатлигини яхшилаш, уларга юқори савиядаги тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда соғлом авлоднинг воғта етказиш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда ҳар йили жойларда қўлаб замонавий шифо масканлари қад ростламоқда. Поп туманининг Найман, Пахтақайнар, Резак ва Хўжабод аҳоли истиқоматгоҳлари ҳам ана шундай янги типдаги қишлоқ врачлик пунктлари бунёд этилган эди. Яқинда улар сонига яна биттага қўпайди. Поп тумани асфальт-бетон қорхонаси бунёдкорлари томонидан қиска фурсатларда қурилиб, фойдаланишга топширилган Гулистон қишлоқ шифо масканида одамларга юқори савияли тиббий хизмат кўрсатиш учун барча қўлайликлар яратилган. Бу ердаги кардиология, гинекология, урология, физиотерапия, онколар ва бошқар, қундузги стационар сингари бир қатор бўлимларда замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилган. Беморларга юқори малакали шифокорлар ва ҳамширалар хизмат кўрсатишади. Бир сўз билан айтганда, янги шифо масканининг очилиши қишлоқ иқтисодий инфраструктурасини ривожлантириш масаласига Поп туманида ҳам катта эътибор берилаётганлигининг яққол далилидир. Гулистон қишлоқ врачлик пунктининг очилиш маросимига республика солиқлиги саклаш вазири Феруз Назиров иштирок этди.

Ўз мухбиримиз.

«ИПАК ЙЎЛИ ҲИКОЯЛАРИ»

Буёқ Ипак йўли ҳақин тарихида буюқ из қолдирган халқор қарвон йўлларида биридир. Бу йўл ўтган мамлакатларда, табиийки, иқтисодиёт ҳам, маданият ҳам ривож топган. У ўрта асрлардан бошлаб элларни бир-бирига ўлашдек эзгу вазифани бажарган. Унинг тарихини ўрганиш, улўғ йўл бўйидаги халқлар маданиятини ва адабиётини билиш, айниқса, ёш авлод учун жуда ҳам муҳимдир. Яқинда ЮНЕСКО томонидан Тошкентда ўзбек ва инглиз тилларида нашр этилган «Ипак йўли ҳикоялари» китоби ўзбек ўқувчиларига катта ёрдам бериши шубҳасиздир. Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Ташқи-лотининг ҳамда ЮНЕСКОнинг Тош-

кентдаги ваколатхоналари ҳамкорлигида таёрланган. Бу ишга ЮНЕСКО ишлари бўйича Қорёя Республикасининг Миллий комиссияси ҳамда Осиё-Жамият институти жағмараси молиявий кўмак берди. ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги вакили ва Марказий Осиёда маданият масалалари бўйича маслаҳатчиси М. Барри Лейн раҳбарлигидаги ижодий жамоа китобнинг ҳам мазмундан, ҳам шаклдан гўзал чиқуши учун катта меҳнат қилган. Олти кимдан иборат номининг «Шарқий Осиё ҳикоялари» номли биринчи қисмига Хитой, Қорёя, Япония ва Мўғулистон халқлари эртаклари киритилган. «Жанубий Осиё ҳикоялари» бўлимида Бангладеш, Ҳиндистон ва Покистон ҳикоялари мавжуд. Арман,

масалан, АҚШда ишлаб чиқарилганлари электродларни мияға жарроҳлик йўли билан ўрнатиш усулида бўлганлиги учун ҳам бизнинг болаларга тўғри келмайди, қулай бўлган асбоб ихтиро этилди. Ундан фойдаланиш ниҳоятда осон, унчалик катта қувват ҳам талаб этмайди, иккита батарея ярим йилга етади. Мазкур асбоб ўқувчи-

ўтказишда фаол иштирок этиб, ихтирога ижобий баҳо бердилар. Бирок асбобни ченг миқёсда ишлаб чиқариш хусусида гап кетганда, ҳозирча ҳеч қим бундай масъулиятни ўз зиммасига олгиси келмаётти. Ҳозирги кунда Ер курсида 150 миллионга яқин кўзи оғизлар мавжуд. Қўпгина мамлакатлардаги йирик илмий марказлар ва олимлар кўзи оғизларни жамиятнинг тўлақонли аъзолари бўла олинларига кўмак беришга қаратилган тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Қўзи оғизлар муаммоларини ҳал этиш учун манфаатдор ташиқлотларнинг кўчларини бириктириш лозим деб ўйлайман, — деди С. Хасанов пировардида.

Дикқат, янгилик!

Ташкентлик ихтирочи Владимир Матвеев кўзи оғизлар учун оламни «қўриш» имкониятини берувчи новб ихтиро яратди. Мазкур асбоб кўриш қобилиятини мақрум бўлган одамга нафақат теварак-атрофни хис этиш, балки рангларни ажрата олиш, ҳаттоки ҳамсуҳбатининг юз ифодасини ҳам сезиш, шу билан бирга, физик нуқтаи назардан, кўриш қобилиятига тенг бўлган даражада турли ҳодиса ва воқеаларни аниқлаш имконини беради. Асбоб зарур бўлган барча синовлардан ўтказилиб, унинг инсон саломатлигига, айниқса, ёш организмга биологик ҳиждатдан мултоқ зарарсиз экани исботланди.

НОЁБ ИХТИРО

лигини тиклаш тизимига кенг таъбиқ этилиши шубҳасиздир, — деди И. Охунбоев номидаги кўзи оғиз болалар махус-интернати ўқитувчиси Содиқ Хасанов «Туркистон-пресс» мухбирига. — Аммо қатор сабабларга қўра, авваламбор, ҳозирча мажбур бўлган шу турдаги асбобларнинг мукамал эмаслиги туфайли уларни амалда таъбиқ этиб бўлмайди. Баъзи асбоблар,

деган ҳулосага келдик. Япон мутахассислари томонидан яратилган бошқа асбобда электроника шунчалик кўпки, биттасининг баҳоси 1000 АҚШ долларидан ортиқроқ туради; ўз-ўзидан аёни, моддий имкониятлари чекланган одамлар учун бу қимматлик қилади. Ниҳоят, мамлакатимизда кенг фойдаланишга мўлжалланган ва ишлашти-

Китоб ЖАВОНУНГУЗГА

Реклама ва эълонлар 136-09-25

Биринчи даражали

МЕБЕЛЬ САЛОНИ

Бевосита Италия ва Поляшдан туркум мебеллар тўплами. Каталоглар асосида бюртмалар қабул қилинади. Этиб бериш ва илгиш — бепул. Манзилмиз: Фурқат кўчаси, 5. Мебель дўкони. Тел. (371) 144-27-15.

Республика Махус ижодий-ишлаб чиқариш «Усто» бир-лашмаси жамоаси бош директор ўринбосари Махаммадин Раёуллова падари бузруквори

Олимжон Ҳожи РАСУЛОВнинг вафот этганиги муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон» миллий компанияси жамоаси раисининг инвестиция масалалари бўйича бош маслаҳатчиси Ақром ТОШМАТОВнинг вафот этганиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур таъзия изҳор қилади.

Республика «Ўзгақриметъаминот» давлат-акционерлик бир-лашмасининг жамоаси бирлашмада узок йиллар раҳбарлик қилган Абдукарим УРКИНБОВнинг вафот этганиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва барча ақинларига чўқур таъзия изҳор этади.

«ЖАЛҚ СҮЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош мухаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати:

- Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Жалқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. ЖАББОРОВ (бош мухаррир ўринбосари — «Жалқ сўзи»), С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДИНОВ, Ш. РИЗЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАҲОДИЙ, И. ХУДОЁРОВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАҢПБЕРГЕНОВ (бош мухаррир ўринбосари «Народное слово»), Ҳ. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

- Иқтисодий-сўғий ҳаёт — 133-57-34; Ҳуқуқ — 136-07-94; Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65; Маънавият ва маърифат — 136-35-60; Хатлар — 136-29-89, 133-07-48; Фан, соғлиқни сақлаш ва иқтисодий масалалар — 132-12-08; Аxbорот, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик — 132-11-15; Халқаро ҳаёт — 132-11-15; Котибият — 133-10-28; Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001

Буюртма Г — 286, 23728 нусхалда босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. ҚОҒОЗ БИЧИМИ А—2

Газета PENTUM-II

компьютерда терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРНОВ.

Навбатчи мухаррир — И. ЎТБОСАРОВ. Навбатчи — А. ШОКIROB. Мусоҳиҳ — Ш. МАНШАРБОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.

Корхона манзили: Буюқ Турон кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00

топирилади — 21.50

1 2 3 4 5 6